

Қ У Ё Ш И

1917 йил 4 июлдаги тинч на-
мойида Петрограднинг барча рай-
онлари ишчилари ва Петроград
гарнизони солдатларидан 500 минг-
дан ортиқ киши қатнашди. Му-
вафқат ҳукумат намоёнлари ишчи-
ларни ўққа тутди. Контрреволю-
циянинг бу ошқора ҳужумга ўт-
иш натижасида мамлакатда вазият
ўзгарди. Иккинчи демократиклик бар
ҳам топиб, бутун ҳокимият контр-
революцион буржуазия қўлига
ўтди.

Революцияни тинч йўл билан
риворлантириш имкониятлари шу
тартибда йўққа чиқди. Ҳарган ва-
зиятни дарҳол таҳлил қилиб, Ле-
нин андишда қўлдан кўзгалон-
га тайёргарлик қилиш масаласини
кеинги бўлаётган вазифа
қилиб қўйди, бироқ у «Бутун
ҳокимият Советларга» деган ши-
орни кун тартибидан вақтинча олиб
ташлаш даркорлигини асослаб бе-

лиятни туфайли ишчилар бил-
лан деҳқонларнинг револю-
цион ҳаракати авж олиб кетди, сол-
датлар ўртасида норозилик орта
борди, миллий озодлик ҳаракати
кучайди, империалистик урушга
қарши умумхалқ қураш кенг қулоқ
ёйди. Советлар бoлшевишликни
менъевшик ва эсерлар сийсий жи-
ҳатдан тобора яққаланавердилар.
Пойтахтдаги Советлар кетидан Ки-
ев, Ростов, Харьков, Уфа, Вла-
димир, Донбасс, Тошкент ва бош-
қа шаҳарлардаги Советлар бoлше-
визмлар томонига ўтди. Под-
польеда бўлишга қарамай, ана шу
воқеаларни диққат билан кузатиб
турган В. И. Ленин вазиятни чу-
қур мулоҳаза қилиб, мамлакатда
умуммиллий кризисни етиляпти, ку-
роллик қўзғолон учун шарт-шароит
вужудга келди, деган ҳулосани
чиқарди. Партия ана «Бутун ҳоки-
мият Советларга!» деган шиорни

қанда яшарди, — деб эслади Н. К.
Крупская, — фақат шу ҳақда ўй-
ларди, ўз кайфияти, ўз ишончи би-
лан ўртоқларига ҳам таъсир ўтқа-
рар эди».

10 октябрда Г. К. Суховава
квартирасида Ленин раҳбарлигида
партия Марказий Комитетининг
тарихий мажлиси бўлди. Мавқуд
вазият тўғрисида доклад қилган
Владимир Ильич Советлар ҳокими-
ятини қўлга олиши учун сийсий
ассослар етиляганини, қўзғолонга
техникавий жиҳатдан тайёргарлик
қилиш ҳолида партиянинг бу-
тун фаолияти марказида турши
кераклигини уқтирди. Марказий
Комитет Ленин тақдир қилган та-
рихий резолюцияни қабул қилди.
Унда қўроллик қўзғолон мундариб
ва тўла етилади, партиянинг бу-
тун иши қўроллик қўзғолонни таъ-
қиб этиш ва ўтказиш вазифасига
бўйсундирилиши керак, деб уқти-
рилган эди. Қўзғолонга сийсий
раҳбарлик қилиш учун Ленин бош-
чилигида Марказий Комитет Сий-
сий Бюроси тузилади.

Марказий Комитетнинг 16 ок-
тябрдаги кенгайтирилган мажли-
сида революцияга раҳбарлик қи-
лиш учун А. С. Бубнов, Ф. Э.
Дзержинский, Я. М. Свердлов,
И. В. Сталин ва Н. С. Урицкийдан
иборат составда ҳарбий-револю-
цион марказ ташкил этилди.

Жаҳон тарихининг буюк буй-
лиш нуқтаи—24 октябрь ярим
кечада В. И. Ленин яширин квар-
тирасида Смольний йўли олави
шу ердан туриб қўроллик қўзғолон-
га бошчилик қилди. Чунки Ленин
ассосланган план, ҳаракатларнинг
ушқоқчилиги, партия бош бўлган
революцион оқимнинг мардлиги,
ҳаракатнинг яроси — пролетар-
иянинг буюкмас иродаси, Ленин-
нинг доно раҳбарлиги социалистик
революциянинг оламшумул-тарих-
ий ғалабасини таъминлади. Улуг
Октябрь социалистик революцияси
ғалаба қилган кун — 1917 йил 25
октябрь (7 ноябрь) жаҳон тарихи-
да янги давр — дунёнинг револю-
цион асосда батамом янгиланиши
даврини, капитализмдан соци-
ализмга ўтиш даврини бошлаб бер-

ган кун сифатида тарих саҳифаси-
га абадий ўчмас ҳарфлар билан
ёзиб қўйилди.

Ленин раҳбарлигида амалга
оширилган Октябрь қўзғолони ре-
волюцион оқим томонидан жуда оз
қўрол берилиб, амалга оширилган
гоблина қўроллик қўзғолоннинг
классик намунаси. Лениннинг
қўроллик қўзғолон муайян қону-
ларга бўйсунди ва у фританга
эмас ва партиягагина эмас, балки
яндор синфга, халқнинг кўтарили-
шига асосланиши керак, деган
қўрсатмалари Октябрьда ажойиб
синовдан ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг
Октябрь Теизисларида таъкидлан-
ганидек, Ленин тарбиялаб вояга
етказган партия 1917 йилда тарих-
ий ташаббуснинг, синфий кўчлар
ишобатини ва моментнинг қон-
крет ҳусусиятларини тўғри ҳисоб-
га олишнинг буюк намунасини қў-
рсатди. Партия қўрсатиб берган
йўлдан бориб, революциянинг тур-
ли босқичларида пухта ва хила-
хил тактика ишлатди, курашнинг
тинч ва нотинч, легал ва нелегал
воситаларидан фойдаланди, улар-
ни бирга қўшиб олиб бориш қои-
лятини, бир форма ва методдан
бошқасига ўта билиш маҳоратини
намойиш қилди.

Эксплуататорлик тузумига қар-
ши курашга отланган оқимга раҳ-
барлик қилишнинг ленинча санъат
ва маҳорати жаҳонни титратган
ўша ўн кундан бери эрк ва озод-
лик курашчилари учун жуда буюк
ибратли революцион мактаб вази-
фасини ўтаб келмоқда. Ленинизм—
революцион фикр, революцион ҳа-
ракат, революцион мардликнинг
абадий жўш уриб турадиган бу-
лоғидир. Ҳозирги замон револю-
цион кучлари жаҳон империализмга
қарши мардона курашда ана шу
булоқдан баҳраманд бўлиб камол
топмоқда, ғалаба кетидан ғалабага
эришмоқда.

Т. НАЖМИДИНОВ,
КПСС Марказий Комитети
хузуридаги ижтимоий фанлар
академиясининг аспиранти.

100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ради. Негаки, июль воқеаларидан
сўнг Советларда эсер ва менше-
виклар ҳукмрон бўлиб қолганди-
лар. Шундай вазиятда ҳам «Бутун
ҳокимият Советларга!» деган шиор
ни сақлаб туриш халқни алдаш
бўлур эди.

Партиянинг 1917 йил 26 июль—
3 август кунларида бўлиб ўтган
VI съезди Ленин кўрсатмаларига
асосланиб, қўроллик қўзғолонга
тайёргарлик қаратишдан қарор
қабул қилди. В. И. Ленин
подпольеда бўлгани учун съездда
қатнаша олмади. Аммо Марказий
Комитет орқали алоқа боғлаб, съ-
езднинг бутун ишига раҳбарлик
қилди. Унинг «Сийсий аҳвол тў-
ғрисидаги тезисларида», «Револу-
ция сабоқлари», «Шинорлар ҳу-
сида» ва бошқа мақолаларида баён
этилган ғоялар Марказий Комитет-
нинг сийсий аҳвол тўғрисидаги ҳи-
собиоти ва докладига асос қилиб
олинди.

В. И. Ленин бошчилигидаги
бoлшевиклар партиясининг зўр
сийсий ва ташкилотчилик фао-

ўртага ташлади. Андишда бу
шиор мувафқат ҳукуматини қўроллик
қўзғолон йўли билан ағдариб таш-
лашга даъват этарди.

В. И. Ленин Марказий Комитет-
га, партиянинг Петроград ва Моск-
ва Комитетларига ёзган «Бoлше-
виклар ҳокимиятини қўлга олишга
ло» «Кризис етилади», «Бoлше-
виклар ҳокимиятини қўлга сақлаб
қолаётганларми?» каби ва бошқа
хатларида, «Давлат ва революция»
деган асарига қўзғолонга тайёргар-
лик тўғрисидаги масалани ўртага
қўйди. Резолюция дарғаси ғалаба
қозониш учун ҳамма шароитлар
етилгани, бoлшевиклар давлат ҳо-
кимиятини қўлга олиши мумкин ва
лозим эканлигини исботлаб берди.

Дохи назарий йўл-йўриқлар бе-
риш билан бирга қўроллик қўзғол-
онини тайёргарлик бевосита раҳбар-
лигида қилди. У шу мақсадда 1917
йил 7 октябрда яширин суратда
Петроградга келди. «Уша сўнгги
ойда Ленин бутун борлиги билан
қўзғолон тўғрисидаги фикр ишти-
-



ЧЎПОНЛИҚДА ЧОРАК АСР

Чўпонлик Сувонқул акага ота
касб. У ёшлик чоғларидан отаси
билан ёни-ёни юриб бепойи қир-
адирларда қўй-қўзларини ўтла-
тарди. Бу касб ёш Сувонқулда
мехр уётди. У отасининг касби-
ни эгаллашга астойдил бел боғ-
лади...

Мана, чорак асрдирки, Сувон-
қул Ҳамроев ўрта Чирчиқ райони-
даги 2-«Оҳангар» совхозида
чўпонлик қилиб келади. У ҳўна-
лик чорвадорлари орасида катта
қўрмет ва обрў қозонган. Сувон-
қул ака, самарали меҳнатчи бил-
ан кўпчилик олдига берган сў-
зининг устидан чиқиб келаяпти.
Бирор йил йўқки, у берилган топ-
ширини ортири билан бажарма-
ган бўлсин.

Юбилей йилида Сувонқул ака
кўплар қатори Улуг Октябрьнинг
ярим асприк тўйини муносиб тў-
ёналар билан кўтиб олишга қатъий
бел боғлаган. Ягона мақсад йў-
лида меҳнат қилиётган моҳир чў-
пон ўз ниятига етди: катта тўйин
катта тўёна билан кўтиб олди. У
баҳорда ўз боқимчидаси 450 бoш
совлиқдан 500 дан ошмири сотгом
кузи олди. Қўйлардан 1242 кило-
грамм аёло сифатида жун қирқиб
топиради.

Совхоз маъмурияти Сувонқул
аканинг меҳнатини муносиб тақ-
дирлади. Унга радиоприйимки ва
кичи кўй мунософига берилди.
Сувонқул Ҳамроев чўпонлигини
отасидан ўрганган бўлса, энди ўз
ўғли Имомалига бу касбни ўргата-
пти. Ҳозир ота-бола чўпонлар
ўз боқимчларида қўй-қўзларини
қилишадан тўқ ва соғом олиб
чиқиш учун бутун маҳоратларини
ишга солмоқдалар. Улар келгуси
йил баҳорда ҳар юз бoш
совлиқдан камиди 115 тодан
қўй олишга аҳд қилишди.
Бунга эришиш учун қилиш-
ловчи муваффақиятнинг ўтказиш
катта аҳамиятга эгадир. Ота-бола
чўпонлар билан биргаликда М.
Абдулқусов, Т. Хусанов сингари
меҳнатсевар чўпонлар ҳам шу
кеча-кундузда самарали ишлаш-
ти.

М. АЗИМОВ.

ФАН ОЛАМИДА

ҚУЁШ ВА АБАДИЙ МУЗЛИК

СССР Фанлар академияси
Сибирь бўлимига қарашли шар-
қ-шимолий комплекс илмий-
тадқиқот институтининг олима-
ли Чукотка ярим оролининг со-
ғуш шароитларида биринчи марта
Қуёш кўрларин билан абадий
музликнинг ўзаро таъсир ха-
рактерини кузатишди.

Анадир шаҳрининг яқинида
маҳсус майдон жихозланиб, 35
метр чуқурликда парма—қудуқ
қоқилди. Олимлар ўтказган ку-
затишлар Қуёшнинг қизитиши,
бугунашлар, атмосфера билан
абадий музлик ўртасидаги
иссиқлик алмасишуви тўғриси-
да аниқ маълумотлар олишга
имкон берди.

Бу ил абадий музлаб ётган
тупроқларда сув омборлари қу-
риш ҳисобларини чиқаришда
зарур бўлган формулалар ту-
зишга имкон беради.

НЬЮТОН ҚОНУНЛАРИГА ЗИД РАВИШДА

Озарбайжондаги нефть ва хи-
мия институтининг профессори
Озод Мирзод Жонзода айрим
конлардан нима учун нефть оз
чиқиб сабабларини текширар
экан, механиканинг асосий
классик қонуналаридан Ньютон
қонуналарига бўйсунмайдиган су-
юқликларга оид нефть бор, де-
ган ҳулосага келди.

Олимнинг фикрига қўра, бун-
дай нефть концентрацияси қў-
юқ бўлмаслиги ҳам мумкин.
Улар таркибига смола, асфаль-
тен, парафин каби қовушқ
пластик моддалар кўп бўлиши
билан фарқ қилади. Нефть ано-
мал ҳоссалар бағишловчи мо-
далар ҳам аниқ шу нарсалар-
дир.

Бундай нефть пластада кат-
тагина босим ўзгаришлари ву-

жуда келтириб, қондан нефть
қазиб олинаётганда чуқурликдан
тортувчи насосларга баъзи кон-
структив ўзгаришлар киритили-
шини талаб қилиши ҳам табиий-
дир. Чунки, олим қовушқ
пластик нефть қазиб олишда
катламларга гидравлик ва
иссиқлик таъсир методларидан
кемроққ фойдаланишни жасла-
хат беради. Бу метод Озарбай-
жон ва Ўзбекистондаги нефть
қонларига асосий аҳамиятли си-
наб кўрилади.

КАМАЛАКНИНГ 450 ХИЛ ТОВАЛАНШИ

Д. И. Менделеев номидаги
Бутуниттироқ метеорология ил-
ий-тадқиқот институтининг хо-
димлари 450 хил товланадиган
«камалак» яратдилар. Ана шу
туслар жамланган атлас аниқ
ўлчов асоси ҳуқуқини олди.

Камалакнинг кўп хил товлан-
ишларини акс эттирувчи мана
шу ралати ўлчов намунасидаги
барча рангли пластикларга
халқаро колориметрик система-
си бўйича аттестация берилган.
Йил атлас ёрдамида рангларни
ўлчаш, ўлчаниш товланишлари-
ни танқислаш, шкалалар, сано-
ат катологлари, колориметрик
асбобларнинг кўрсаткичларини
назорат қилиш мумкин. Бу ат-
лас халқ ҳўжалигида рангларни
стандартлаш асоси бўлиб қолди.

Йил атлас тўқимачилик ва
қозғош ишлаб чиқаришда, бадий
конструкторлик бюрорлари, лак
ва бўёқ заводларида ўлчовлар-
нинг бир хил бўлишини таъмин-
лайди, техника эстетикаси мута-
хассислари, криминалистлар,
медикилар, фармацевтлар, оз-
қоват саноати ходимлари ундан
фойдаланадилар.

Атласга ранг номларининг
лугати ва намунадаги товлан-
ишларнинг ҳар бирини қандай
олиш тавсиялари киритилган.

ҚОЗОҒИСТОН НАБОТОТИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Қозоғистон ССР Фанлар акаде-
миясининг ботаника институти
республика набототи рўйхатга
олиб бўлди. Территория жиҳати-
дан мамлакатда иккинчи ўринни
эгалловчи бу республика олима-
ри 5650 тур олий ўсимликлари
рўйхатга олинди. Бунда ҳар ет-
тинчи тур энди, яъни фақат
Қозоғистонга хос ўсимликдир. Қо-
зғистон набототи тур сони жиҳа-
тидан Совет Иттифоқи бутун на-
бототининг қарийб учдан бир
қисминини ташкил қилади.

Ўсимлик дунёсини рўйхатга
олиш — уланининг келиб чиқиши-
ни ўрганишда муҳим кадамдир.
Бу аса практика учун ҳам. Қозо-
ғистондаги ёвсон ўсимликлари
маданийлаштиришга киритилиш
тезлаштириш учун ҳам муҳим
аҳамиятга эга. Бу ўсимликлар
орасида 1500 дан ортиқ фойдали
турлар борлиги аниқланди.

ТОРФНИНГ ЯНГИ «КАСБИ»

Белоруссия Фанлар академия-
си микробиология бўлимининг ил-
мий ходимлари торфдан 100 хил-
дан ортиқ турдаги ақтичи микро-
организмларни акриатиб олдилар.
Бу микроорганизмлардан баъзил-
лари торф углеводларидан мой
синтез қилиб, уни ўз ҳужайра-
ларида тўплаш қобилиятига эга экан-
лиги маълум бўлиб қолди. Улар
бир неча соатлик қисса вақт ичида
ўз нурув вазнининг 30-35 процен-
тига кадар мой тўплашга улгура-
ди. Химиявий анализнинг нурса-
тишича, торф мойларида ҳатто
тўғиз мойидагидек нисбатан анча
нуф фойдали ёғ кислоталари бор
экан.

Олимлар торф мойларидан си-
фатли техника мойлари, алфим-
ной таъбирлар, шунингдан пар-
фюмерия саноатида фойдаланиш
мумкинлигини аниқладилар.

(ТАСС мухбири).

Сахон ЯНГИЛИКЛАРИ

ДЎСТЛИК МИТИНГИ

УЛАНБАТОР. Совет Итти-
фоқининг ёрдамида ободон-
лаштирилган «Замар» қишлоқ
ҳўжалик бирлашмаси маркази-
да монгол-совет дўстлигига ба-
ғишланган кўп кишилик митинг
бўлиб ўтди.

Митингда Монғолия Халқ
революцион партияси Марказий
Комитетининг биринчи секретари,
Монғолия Халқ Республикаси
Министрлар Советининг Раиси
У. Цеденбал сўзга чиқди. У,
Совет Иттифоқининг Монғолияга
қўшимча суратда ёрдам бериш
тўғрисида яқинда имзоланган
битимини Монғолияда социализм
қурилишида совет халқи бераётган
интернационал ёрдамнинг ёнги
ишбоси, монгол ва совет халқлари
ўртасидаги қардошларча бўлиб
мас дўстлик ва мустақим ҳам-
муносабатларни таъкидлади.

МУСТАҚИЛЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШНИНГ АРАФАСИДА

АДАН. 30 ноябрь. ТАСС
мухбири А. Кислов ва В. Борисов
хабар беради:

Англиянинг энг сўнгги сол-
датлари кеча Адан тупроғидан
чиқиб кетди.

Шаҳарда шод ҳўррамлик
ҳўш сурмоқда. Ҳамма жойда
«эвакуация қилини» байрам қи-
либ кенг нишонлашга тайёргар-
лик қилинмоқда. Гуллар ва
қизил — оқ қора рангига мил-
лий байроқлар билан безатил-
ган автомашиналар шаҳар бўй-
лаб кезиб юрибдилар. Шаҳар
кўчалари хилма-хил рангларга
электр лампалари, миллий бай-
роқлар ва транспарантлар бил-
лан безатилди.

КИПРДА АҲВОЛ ҲАМОН КЕСКИН

АНКАРА. (ТАСС). Ўрта
деңизнинг шарқий қисмидаги
кескин вазият бирмунча юш-
ланганлига умид билдирилган
бўлса-да, турк матбуоти Кипр-
даги танглик яна кескинлаш-
ганлигини ёзмоқда.

Ҳамма Анкара билан Афина
ўртасида қарийб битмига ке-
линиди, деб ҳисоблаб турган бир
пайтда, деб ёзади «Миллиет»
газетаси, аҳвол ўзгарибди. Тур-
кия ҳукумати ҳеч қандай ёш
беришга рози бўлмай ва яллар
қабул қилинган талаблар-
нинг бажарилишини қатъий талаб
қилиш тўғрисида қарор қа-
бул қилганидан сўнг «Кипрда-
ги танглик энг хатарли босма-
га кирди», — деб ёзади «Сон-
хаводис» газетаси. «Хуррият»
газетасининг ёзишича: «энди
ҳамма нарсаси Афинага боғлиқ».

Туркия матбуотининг хабар
берishiча, Ўрта деңизнинг
шарқий қисмида машқ ўтқа-

корликка қўшилган улкан ҳис-
са, деб баҳолад.

Буюк Халқ Хуралли Президи-
умининг Раиси Ж. Самбу со-
вет қурувчиларидан бир групп-
пасига Монғолия Халқ Респу-
бликасининг «Дўстлик» медали-
ни топиради.

АНГЛИЯ ПАРЛАМЕНТ АЪЗО- ЛАРИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Англия
парламентининг аъзоларидан
76 киши резолюцияни имзола-
ди. Бу резолюция ҳўкуматни
«киши ҳўқуқларини ва асосий
эркиликларини ҳимоя қилиш
тўғрисидаги Европа конвенция-
си» Греция қарийб ҳўнтаси то-
монидан бузилаётганлиги ҳақи-
даги масалани инсон ҳўқуқла-
ри комиссиясига топиришга
даъват этди. Резолюцияни

МУВАФАҚИЯТЛИ ЖАНГЛАР

ХАНОЙ. (ТАСС). ВИА
агентлигининг хабар беришича
қўра, 22 ноябрда Жанубий
Вьетнам патанпарва а р л а р и
Бишъхуан вилоятининг Хан-
фу районида Америка ротасини
тор-мор қилдилар. Олтига пер-
толёт илсон қилинди.

Куангнам вилоятда Америка-
нинг Данангдан базасидан 30
километр жанубдорда халқ
озодлик қўроллик кўчларининг
жангчилари американинг 1-
деңгиз пийда қўшилари дивиз-
ияси батальонига жиддий та-
лафот етказдилар. Деңгиз пийда
қўшиларида 100 га яқин ки-
ши ўлдирилди ва ярадор қи-
лиди.

(ТАСС).

ЎЛИМНИ АФЗАЛ БИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. 30 ноябрь.
(ТАСС). 24 яшар америкалик
қарийб учувчи Жеймс Торнтон
Вьетнамга жўнашган қўра, ўзи-
ни қуйдиришни афзал билди.
АҚШ чегарасидан бир оз на-
ридаги Тихуана шаҳри чекка-
сидан учувчининг жасадини
топган Мексика полиция маъ-
мурилар шундай дедилар.

ЮПИ агентлигининг хабар
берishiча, мурда ёнган бен-
зин идиши ва бир қўти гўгүрт
топилиган. Торнтон кийимининг
қўтигада эса, у тез орада Жа-

нубий Вьетнамга жўнаб кетиши
кераклигини билдирувчи ҳўж-
жатлар сақланиб қолган.

КАХТАН АШШАБИЙ — ЖАНУВИЙ ЯМАН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ

АДАИ. 30 ноябрь. (ТАСС).
Арабистон ярим ороли Жанубий
йил овоз қилиш миллий фу-
ротининг раҳбари Кахтан Ашша-
бий янги мустақил араб давлати
— Жанубий Яман Халқ
Республикасининг президенти
бўлди.

МАКНАМАРА ЯНГИ ЛАВОЗИМГА РОЗИ

ВАШИНГТОН. 30 ноябрь.
(ТАСС). Халқаро реконструк-
ция ва ривожланиш банкининг
иккинчи директорлари кеча
АҚШ мудоффа министри Роберт
Макнамарага банк президенти
лавозимини етлашини тақдир-
лаш қилишди. Кеча ана шу
банк директорлари правление-
сининг гайри расмий мажлиси
бўлиб ўтгандан кейин ана шу
хабар эълон қилинди.

ВАШИНГТОН. 30 ноябрь.
(ТАСС). АҚШ мудоффа ми-
нистри Роберт Макнамара ке-
ча, меҳ халқаро реконструкция
ва ривожланиш банкининг шў-
банк президенти лавозимини
етлаш тақдирини қабул қи-
ламан, деди. Аини вақтда Мак-

намара маҳсус баёноат бериб,
мен АҚШ мудоффа министрли-
ги лавозимидан қачон истеъфо
берилиш ҳали аниқ бўлгани
йўқ, деб айтди.

ЎФИРЛАНГАН 4 МИНГТА ҚУЙМА ОЛТИН ТОПИЛДИ

ДЕХЛИ. Бомбей полицияси
Бомбейдан 70 километр нари-
даги Махараштра штатида кон-
трабандистлар шайасини уш-
лаб олди. Ассомбейет Пресс
агентлигининг хабар беришича
қўра, контрабандистларга қи-
рашли юк машинасида қимма-
ти бир миллион доллардан ор-
тиқ бўлган 4 минг қуйма олтин
топилади. (ТАСС).





АБДУЖАМИЛ МАТҚОБУЛОВ номидаги Ўзбекистон киностудияси режиссурида тасвирланган «Қизил ўзбекистон» фильмида намунавий болалар босчаси ишлаб турибди. Бу ерда қишлоқ меҳнатчиларининг ўғил-қизлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Шунингдек, қолхоз қишлоғида қад кўтарган хашаматли турар-жой биноларини қўриб киши қувонади. Суратларда: 1. Болалар босчасида машғулот пайти. 2. Қолхоз кўчаларидан бирининг кўриниши.

РУБОИЙЛАР

Исон умри азиз, унинг ҳар он-дами ҳам ҳисобда,
Хаттоки, жунгина босган из-қадами ҳам ҳисобда.
Қуёш бош кўтарди, ой ботиб бу умрга бир туртки,
Гоҳида билмаймиз жон азоби, оромни ҳам ҳисобда.
Маъшумда охи қалбимнинг тор-зорига муносиб,
Қўлимиз нури юрагимнинг кўрига муносиб,
Яхшиликимга хатто ёмонлигимга ул сабаб,
Ифбат, ҳасби тилимнинг меърига муносиб.
Машъуқнинг бир охи минг дунё ташвишидан
Ортиқдир.
Олам пештоқиға қўйилган тоғ тошидан ортиқдир,
Гар қилса табассум пайдо бўлур осмонда икки ой,
Бир ширин суҳани қуёш нур-оташидан ортиқдир.

Тошмама РҒЗИБОВ.

ИККИ ТЎРТЛИК

Мисқоллаб йиғилар обрў,
Эътибор,
Еқимди қадами майдадир —
голт,
Ҳазир бўлмасанг у тўзмонги
бор,
Бунга — бир нафаснинг ўзи
кифой!

Гоҳ тинор умрига қиламан,
Ҳавас,
Қани ёшим тинор ёшга
тўлса...
Жон деб шунча умр
қўярдим, фанат —
Нафас олмақ ўзи ашмақ
бўлса!
Охунжон ҲАКИМОВ.

КЎЗЛАРИДА ЁШ ҚАЛҚИДИ

Мен бу киши билан маҳалла чойхонасида танишиб қолдим. У та бун, қорачадан келган, сочлари мош-гуруч бу киши маҳаллага янги кўчи келган экан. Биз гаплашиб ўтирдик, чойхоначи радийони бўраб юборди. Бир соҳабда табиқда «Муножаат» куйини чалди. Ҳамроҳим жим бўлиб қолди. Уни ўз оғушига олган эди. Қўзларидан эса ёш қалқиди кетди. Мен унга тикилдим. У менинг боқиларимни сезиб ўз ҳаётидан сўйлай кетди.

— Мен ўн олти ёшимда революция ғалаба қозонганини кўрдим. У даврлар сира-сира ёлмондан чиқмайдилар. Ҳа, айтмоқчи, худди шу йил менинг бошимга биринчи муҳаббат савдоси тушган. Мен кўнни қиз Хурихонни сениб қолгандим. Хурихон билан яқиндан гаплашмаган бўлсамда, боғда гоҳ-гоҳ йироқдан кўришиб, кўз уриштириб олар эдик. О, юлдуз наби чаққон, қора ва типини қўзлар! Эсла-сам, ҳамон юрагим ачиниб кетади. Бир кун боғимиздаги бедазорни сугорётган эдик, кўзим девор ортидаги ўрикка тушди. Ўрик пиши-ги даври эди. Хурихон ўрикнинг

лишидан қўриқ ўзини бедазорга олдим. Хурихон олазарак бўлиб қолди. Деворга яқинлашиб, Хурихон ҳам ўз боғимизга тортиди. Шундан сўнг кўп ҳам вақт ўтмай-биринчи ва тақрирланмас муҳаббатим туғди. Биринчи бўлсан, лозазати заҳарга айланди. Нега дейсизми?

(НОВЕЛЛА)

Кўп ҳам вақт ўтмади. Хурихоннинг ота-онаси уни эрга бериб юбордилар. Юрагим эзилди, кўнги йиғилди, аммо қанча истамай қўзларимдан ёш келмасди. Киши боғда газзобанас балки шундай бўлар.

— Энди эса...
Ҳа, эшитинг бу ёғини ҳам. 30-йилнинг кузига, қишлоғимиздаги Исмаил қосиёнинг қизи Зебинисога уйландим. Зебинисо содда ва бе-баҳо қиз эди. Одобли, одампарвар. Қўзларида меҳр ва нур ўйнади.

Думалоқ юз, қорачадан келган, одамларнинг айтишча кўнлигини қиз эди. Бунинг устига ўқимши-ли қиз эди. Бошланғич мактабда муаллима эди. Зеби паразини маҳаллада энг аввал ташлаганлар-дан ҳисобланарди. Биз у билан ақил ва иноқ, тинч-тотув оила қу-рган эдик.

О, тақдир, бу бахтни ҳам мендан тортиб олди. Қишлоғимизни босма-чилар босди. Қий-чув, тўс-тўпа-лон. Айниқса бизнинг уйимизга бу босқинчилик кучли зарба берди. Менинг барча қувончларимни тор-тиб олди. У босмачилар бизнинг хо-надонини талади, уйимизга ўт қў-йиб хотиним Зебинисонни ўларди билан олиб жўнадилар. Мен йўқ эдим мен далада эдим. Уйга қай-тиб юрагим эзилди. Менда дунё қоронғу кўриниб кетди.

Ҳа, босмачилар тугатилди, аммо хотиним қайтмади. Дунёда янқо-янқо бўлиб қолдим. 41-йилда турки босқинчи келди. Ҳа, икки-юч билан фронтга жўнадим. Ҳар қадарда ўлим, ўзим ҳам қан-ча-қанча душманни отиб ташладим. Кўз олдима одамлар жон бериб жон олди. Минг-минглаб одамлар ўларди. Юрагим эзиларди қонлар-

ни кечиб. Аммо қанча истамай қў-ларимдан ёш қалқмасди. Ким йи-лади, урш балки одам дийдасини қаттиқ қилиб қўйишмики?
... Энди эса...
«Муножаат» авжига чиққан эди. Гоҳ қир шамолидай майин теб-нар, гоҳ бўрон бўлиб ўйнар, гоҳ чўққи бўлиб тик ва мағрур турар, гоҳ бинафшадай эриқалариди бу куй. Бу куйни тор эмас, бир одам ўз ҳаётидан, иттилиш ва орауси-дан, тугамас муҳаббатидан сўйлар эди. Бу қўй қоракларни титратар, ўз маромига олиб тебратарди. По-лов ака ҳам анча вақт куйин жим туриб тингларди.
... Энди эса...
Унинг қўзларида ёш қалқиди. Бу ёш қўй йиллаб юрагига салтананг зарбдорларини сиқиб чинаргандай эди. Бу ёш бир дақиқа қўзлариди йиллаб турди-да, сўнг бурни устидан аста думалаб чақмоқ мў-лабидини ювди.
Мен ҳамроҳимга бир пиёла иссиқ чой қўйиб узатганимда, куй туганган, қандайдир бахтиёрлик қў-шиги янгарди.

Тўлқин.

Реклама Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Биринчи программа
Ўзбек тилида: 16.55 — Эшитти-ришлар программаси, 17.00 — Пин ва Гани (болалар учун), 17.05 — Теден-гирчон (фильм), 17.10 — Теден-гирчонлар (рус тилида), 17.25 — Икинчи оғчи (болалар учун), 17.45 — Қарилан сирлари (телефильм), 18.15 — Студентлар учун («Эш-тин» студияси), 19.15 — Телеин-гиллар, 19.30 — Дилрабо куйлар соҳибаси (Раъно Шарипова), 20.15 — Эшиттиришлар программаси.
20.20 дан — Москва кўрсатади.
Иккинчи программа
19.40 — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КЎРСАДАДИ
Ўзбек тилида: 20.20 — Агар ну-рувчи бўлсанг (телефильм), 20.40 — Концерт (Ўзбекистон перса санъат усталари интросида), 21.20 — Тоғ лавалари (бадий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК

КАТТА ТЕАТРДА — 2/ХИ да ТУЯ нунда, 3/ХИ да Шоир қалби.
ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/ХИ да Ой тутилган тунда, 3/ХИ да Алконтларини.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/ХИ да Фарҳод ва Ширин, 3/ХИ да Уғил уйлантириш.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Ворон юрлар» ёшлар коллеч-тин гастроллари ва айнқлар ат-тракционни. Бидетлар сотилмоқда.

К И Н О

Паролнинг ҳолати йўқ — «Чайка», «ЎЗБЕКИСТОН», «НОМ-СОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «СПУТ-НИК», «ДРУЖБА» (1-залда), «МОС-КВА» (кундуз ва кечкурун).
Жин — НАВОИЙ НОМЛИ, «ДРУЖ-БА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).
Бу талба дунё — САНЪАТ СА-РОИИ (кундуз ва кечкурун).

ОТА-ОНАЛАР!

ГАЗ АСБОБЛАРИ БИ-ЛАН МУОМАЛА ҚИ-ЛИШ ҚОИДАСИНИ БИЛМАГАН КИШИЛАР ВА БОЛАЛАРГА ГАЗ-НИ УЧИРИБ ЕҚИШГА РУҲСАТ БЕРМАНГ.



ЎЗБЕКИСТОН ССР КОММУНАЛ ХУЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ «ЎЗБЕКАЗ» БОШҚАРМАСИ

Ажойиботлар оламида

МУЗЛАБ ТИРИЛАДИГАН БАЛИҚ

АРКТИКА суварига қора ба-лиқ учрайди. У қишда бутун-лай музлайдиган жуда кичкина дарёчалар ва кўлларда ҳам яшайди. Дарёлар музлаганда ба-лиқ нима қилади? У муз парчаси-га айланиб қолади. Одатдаги ба-лиқ бундай ҳолда ҳалок бўлади. Аммо бу балиқ эса яшайверади. Шундай ҳоллар ҳам бўлади, музлаб қолган балиқни ит ютиб юбориб, кейин кўнқисдан уни кайтариб ташлайди. Негани, ит-нинг ошқозонига балиқ тирилиб, ҳаранат қила бошлайди.

ЎРГИМЧАКЛАР ҚАНДАЙ ОВ ҚИЛАДИ?

МАЙДА ўргимчаклар ўзининг «чеварлиги» билан машҳур.

дир. Улар нозик илдан уя тўқий-ди. Лекин ўргимчакнинг кўзи ёмон кўради. Аммо жуда сеғир-лиги билан акралиб туради. Ай-тайдик унинг уясига қандайдир жонивор илғашди дейлик. Бу ҳақ-да «овчи» ўзига хос телеграфи орқали — ўргимчак яшаётган жой билан боғловчи нозик ип ор-қали билди. Тўрени ов қилади-ган ўргимчаклар ҳам бўлади. Та-рантул шу хилдаги ўргимчакдир. У яшнинг тезлигига ҳужум қилади. Бу ўргимчакнинг 8 та кўзи бўла-ди. 6 таси олдинга қараган, 2 та-си эса ён атрофини кўради.

ЖОНЛИ «БАТАРЕЯ» СИРИ

ДЕНГИЗДА яшовчи илобалии (тўра) ўзидан электр чиқара-ди. Унинг кучли разрядлари 650 вольтгача боради. Бу балиқ одам-ни ўлдирши ҳеч гап эмас.

Вақт келиб инженерлар «илон-»

балиқ принципи асосида ишла-диган оригинал батарея ясари-лар. Бундай батарея сарф бўлган энергияни тезда қайта тиклаши мумкин.

Ўзидан ток чиқарадиган илоб-балиқнинг бошқа қизғиқ сирини ҳам бор. Шу вақтгача бундай ажойиб мавжудотнинг қандай дунёга ке-лишини ҳеч ким билмайдилар. Улар тухумдан очиб қатта бўладими ёки тирик туғилдими, маълум эмас.

Электр чиқарувчи илобалии-ларга одатда ҳеч қандай денгиз-нинг ваҳшини ҳайвони ҳужум қи-лмайди. Аммо бу балиқлар ўзаро тез-тез жанг қилиб туради ва ўзининг дахилатли нуруллари — электр тонкини ишга солади. Бун-дай жангда ғолиб чиққан балиқ фақатгина бир сутнадан кейин маълум бўлади: 24 соатдан сўнг енгилгани ўлади.

(«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ»дан).

Фойдали маслаҳатлар

● Сабзавот ва кўкатларни ов-катга барвақт қорчи, тозаллаган бўлсангиз, уларни сувга солиб қўйманг. Яхшироқ, устига озода рў-молча ташлаб ёниб қўйган маъ-кул.

● Сабзавот таомларини дастур-хонга тезроқ олиб келган яхши. Шуни унутмангки, уч соат ўт-гандан сўнг бундай таомларда С витаминидан атиги 20 процентиги-на қолади, ҳолос.

● Арчилмай қайнатилган қар-

тошкани тозалаш йўли осон. Бу-нинг учун у қайнатилгандан сўнг дарҳол муздай сув билан юви-лиш керак.

● Очиб қолган банкадаги ва-ренне юзасига бир сантиметр қал-лиқда шакер сепиб қўйилса, у яхши сақланади.

● Юмшоқ нонни юпқа қилиб тўғраш учун пичоқни қайноқ сув-га бир минут солиб нентши керак. Шунда нон текис тўғралади.

ХОДИСА ТАКСИ ЎҒРИСИ

Кечки пайт. «Буратино» кафе-си хў-рандалар билан гажум.
Кафе олдида бир такси келиб тўх-тади. Шофер машина моторини ўчи-риб, эшигини ёлди-да, овқатланган кафега кирди. Четдан худди шуни пойлаб турган бир йигит бемайлхо-тир келиб, машинага ўтирди ва уни ҳайдаб кетди.

В. Вертков уч пассажирни машина-га ўтказиб, турги Охангаронга қараб жўнади. Бу ерда у уч кишидан 15 сумин олиб қўнтакча ўрди.

Мана энди бир кичик кайф-са-фого етади, — хайлидан ўтказди у. Лекин В. Вертков ўзи айтганидек «кайф сафо» қилолмади. Охангарон-да кўлга тушди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган текин-томоқ В. Вертков бундан аввалги но-жўз ишлари учун ҳам Куйишвоя рай-он милиция бўлими ходимлари то-монидан қаттиқ огоҳлантирилган эди.

Такси ўғриси бу қилмиши учун суд олдида жаавоб беради.
М. ТУРОВОВ,
милиция лейтенанти.
С. ҲАСАНОВ,
штатсиз участка вакили.




— Хўв бойвачча, бу бегона со-чин ила қаердан илаштирдигинг...



Сигнал беравериб пайд еган пофернинг ҳоли.
А. Холиқов чизган расмлар.

РАССОМ ТАБАССУМИ



Кираётганда...

Чикётганда...

Хотин: — Ҳай дадаси, намунча имиллисиз...

«ТОРПЕДО» ЧОРАК ФИНАЛДА

30 ноябрь кун Чехословакиянинг Трнава шаҳрида Москва «Торпедо» командаси билан Европа кубогини ўтказиш учун қайта мусобақаландилар. Маълумки, беш кун аввал Тошкентда бўл-ган бо командаларнинг учрашу-ви совет футболчилари фойда-сига ҳал бўлган эди (3:0). Ик-кинчи учрашув ҳам торпедо-чиларнинг устулиги билан ўтди. Жуда оғир об-ҳаво шароитига қарамай улар юксак маҳорат-ларини яна бир намоиш қи-лдилар. Учрашувнинг биринчи бўлимида Панс ва Стрельцов-ники тўп уриб, ўз командала-рини олдинга олиб чиқдилар. Танаффуслар сўнг эса Стрель-цов ҳисобини 3:0 га етказди. Майдон эгалари бир мартагина

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Кавказавилли дарвозасига тўп урулдилар, ҳолос. Учрашувни ўтказган голландиялик судья-лар бригадаси майдон эгалари-нинг қўполлик қилиб ўйнашига бафари қаради.

Шундай қилиб, Москванинг «Торпедо» командаси Европа кубок эгалари кубогининг на-батдаги босқинига қадам қўйди.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ УЧУН

Маълумки, Польшанинг «Гурник» футболчилари Киев динамочиларини Европа чемпи-онлари кубогини ўтказиш учун ҳуқуққилан маҳрум этган эди-лар. Чорак финалда «Гурник»-дан ташқари Ғарбий Германия-нинг «Эйнтрахт», Англиянинг «Манчестер юнайтед» ва Испа-

ниянинг «Реал» футболчилари ҳам чиқдилар. «Эйнтрахт» Ве-нанинг «Райнд» командасини 2:0 ҳисоби билан, «Манчестер юнайтед» эса Югославиянинг «Сараево» футболчиларини 2:1, испанияликлар эса «Копе-гаген»нинг «Хвиловре» коман-дасини 4:1 ҳисобида маглуби-ятга учратдилар.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар ишчи-мухбир-лар университетининг навбатдаги машғулотини шу йил 6 октябр, чор-шанба кун кеч соат 6 да ўткази-лади. (Адрес: «Провла Востока» кўчаси, 26-уй, 4-қават, 124-хона).

Редактор А. ИСМОИЛОВ

ОЛИМПИАДА ЛОТЕРЕЯСИ

Спорт жамиятлари ва ташкилотла-ри Иттифоқ Совети президиуми 1968 йил олимпиада пул-буюм лотереяси ўтказишга қарор қилди. Бундай ло-терейа бизнинг мамлакатимизда ик-кинчи марта ўтказилмоқда. Биринчи лотерея 1964 йили ўйналган эди. У савкинзта иттифокдош республикада кўпгина спорт объектлари қурили-шига ердан берган эди. Лотериядан тушган умумий даромадининг учдан бир қисми ютуқча чиққан эди.

Янги олимпиада лотереяси 50 мил-лион сумлик қилиб чиқарилади. Бу маблағдан 60 проценти ёни 30 мил-лион ютуқчалари тўлаш учун ажра-тилади. Шуниси диққатга сазовори, 1964 йил лотереясида 1800 миңгта

ютуқ ўйналган бўлса, янги лотерея ютуқларининг соми 3415 миңгтадир. Катта ютуқлар ичиде 1800 та авто-машина бор. Улар орасида 50 та «Волга» енгил машинаси, 500 та «Москвич», 1250 та «Запорожец» ма-шиналари бор.

Шунингдек ютуқлар орасида Бол-гария, Германия Демократик Респу-бликаси, Чехославия, Югославияда ўтказиладиган халқаро спорт мусо-бақаларига йўлланмалар ҳам бор.

Лотерея билетлари шу йил 20 де-кабрдан бошлаб сотиладилар. Тираж эса 1968 йил июль ойида Москвада бў-лади. Лотерея билетларининг нархи 1 сум.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган

Ташкентского облима КП Узбекиста-на, областного Совета депутатов

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНИ: Редактор — 835212, Редактор ўринбосар-лари — 835885, 836232, Машъул сакретор — 834808, Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 831936, Санъат, транспорт ва кўнгли бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлими — 835811, Киш-лоқ хўжалиги, фан, маънаф ва олий унв юртлири бўлими — 835050, Совет кўрилиши, маъши қизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 835761, Катлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838761, Коммулятор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05870.

Индекс — 64697.

А. 1809.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Панаев кўчаси, 26-уй.